

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2020 йил март ойининг 18-куни жиноят ишлари бўйича Чироқчи туман судининг биносида очик суд мажлиси бўлиб, раислик қилувчи Ў.Расулов, судья ёрдамчиси А.Байназаровнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Чироқчи туман прокурорининг ёрдамчиси Ж.Миров ва судланувчининг ҳимоячиси “Chiroqchi madad maslahat” адвокатлик бюроси адвокати Ҳ.Ариповларнинг иштирокида, Э. Ш. У.га оид 1-1814-2002/54-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Судда аниқланишича:

Э. Ш. У. (E. SH. U.), 1978 йил 17 май куни Қашқадарё вилояти, Чироқчи туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, 3 нафар фарзанди бор, маълумоти олий, ишламайди, муқаддам судланмаган, Чироқчи тумани, “Чироқчи” МФЙ, Чироқчи кўчаси, 213-уйда яшаб келган, гумонланувчи тариқасида 2019 йил 2 декабрь куни ушланиб, 2019 йил 4 декабрь куни қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосасининг нусхасини ўз вақтида олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчи ва жабрланувчининг вакилининг кўрсатувларини ҳамда томонлар музокарасини тинглаб, жиноят ишидаги далилларни ўрганиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И :

Ш.Э., 2015 йил ноябрь ойини урталаридан 2017 йил март ой бошларида Чироқчи тумани, “Чироқчи” МФЙ, Чироқчи кўчасида яшовчи таниши фуқаро Қ. Ш. Ч.дан ўғли Ч. Олмосжон Ш.ўғли, жияни Ў. Ш. Б. ўғли ва қариндоши П. А. Ф. ўғлиларни “танишларим орқали Корея давлатига жўнатаман” деб алдаб ўша даврдаги давлат курси бўйича 54.995.705 сўмга тенг бўлган 15 минг 500 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини ишончига кириб олиб, ишончини суиистеъмол қилиб, ушбу пул маблағларидан ҳозирги кунга қадар 7 минг 500 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини таниши Ш.Ч.Қ.га қайтариб бериб, ҳозирги вақтда фуқаро Ш.Ч.Қ.дан олган 15 минг 500 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларидан 8 минг АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини қайтариб бермасдан ушбу қулга киритган пул маблағларини ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юбориб фирибгарлик жиноятини содир қилган.

Бундан ташқари, Ш.Э. ўзининг жиноий ҳаракатини давом эттириб, 2017 йил 31 январь куни соат 11-00 ларда ўзининг Чироқчи тумани Чироқчи кўчасида жойлашган яшаш уйида, таниши Х. А. М.дан “танишларим орқали Корея давлатига жўнатаман” деб алдаб ўша даврдаги давлат курси бўйича 19.681.500 сўмга тенг бўлган 6 минг АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини ишончига кириб олиб, ишончини суиистеъмол қилиб, ушбу пул маблағларидан



ҳозирги кунга қадар 2 минг АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини таниши А.М.Х.га қайтариб бериб, ҳозирги вақтда фуқаро А.М.Х.дан олган 6 минг АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларидан 4 минг АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини қайтариб бермасдан ушбу қулга киритган пул маблағларини ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юбориб, такроран фирибгарлик жиноятини содир қилган.

Судланувчи Ш.Э. судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, Қ. Шухратни ёшлигидан бир маҳаллада яшаганлиги сабабли танишлигини, унга 2015 йил март ойиларида Чироқчи тумани марказида кўчада кўриб салом алик қилиб бўлганидан сўнг унга ўзини ўғли ва яна бир икки нафар қариндоршларини Корея давлатига жўнатишига ёрдам қилишини ва уни Корея давлатига ишлагани фуқаролар жўнатишда амалий ёрдам беришини илтимос қилганлигини, шундан сўнг у таниши Ш.Қ.га “агарда пули бўлса жўнатишга ёрдам бераман” деб айтганлигини, шундан сўнг уни яшаш уйига Ш.Қ. бир неча маротаба келиб ўзини ўғли ва яна икки нафар қариндошларини Корея давлатига ишга жўнатишини илтимос қилиб келганлигини, у Тошкент давлат Жаҳон тиллари Университетини тамомлаганлиги сабабли уни курсдош ва бошқа танишлари чет элга жўнатишга мослашган қонуний рўйхатдан ўтказилган агентликларда ишловчи танишларидан Корея давлатига қандай тартибда кетиш учун ҳужжатлар расмийлаштириш кераклигини сўраб суриштириб кўрганлигини, шунда Корея давлатига кетишлик учун Сурхондарё вилояти, Денов туманида Корес тилини ўргатадиган ўқув маркази борлигини ва ушбу марказда Корея давлатига кетиш учун 4 ойлик курсни ўқиб бўлганидан сўнг белгиланган тартибда Корея давлатига кетишлик учун рўйхатдан ўтиб рўйхатдан ўтиш давомида белгиланган имтиҳонларни топшириб, Корея давлатига кетишлигини билганлигини, шундан сўнг таниш билишларидан сўраб суриштириб Корея давлатига кетиш тартибини билганлигини, Чироқчи туманида яшовчи фуқаролардан таниши Ш.Қ.ни ўғли Ч. Олмосжон ва яна икки нафар жиянларини жўнатишини айтганлигини, у Ш.Қ.ни жиянларини аниқ исм фамилияси яшаш манзилини билмаслигини ҳамда уларни ўзларини кўрмаганлигини, ушбу ҳужжатларни расмийлаштиришга уни ўзига кетадиган сарф харажатларига деб 4000 АҚШ доллари миқдорида пул маблағларини олганлигини, шунда яна ҳужжатларини расмийлаштириш тартибларини айтиб уларга ҳужжатларни расмийлаштиришлик учун йўл йўриқларини кўрсатиб турганлигини, яна ўзини эҳтиёжларига пул керак бўлиб қолганидан сўнг унга таниши Ш.Қ. яшаш уйига келган вақтида бу пулларингиз камлик қиляпти деб айтганидан сўнг, унга Ш.Қ. уни яшаш уйига 5 минг АҚШ доллари миқдорида пул маблағларини бир ўзи олиб келиб берганлигини, шундан сўнг Ш.Қ. билан телефон орқали Корея давлатига кетиш учун фуқаролар ҳужжатларини расмийлаштириш масаласи нима бўлганлигини сўраб гаплашиб турганлигини, Ш.Қ. билан ўзини ўғли Ч. Олмосжон ва уни икки нафар қариндошларини Корея давлатига танишлари орқали жўнатишини айтиб жами 15 минг 500 АҚШ доллари миқдорида пул маблағлари олганлигини ва ушбу Корея давлатига кетиш учун қилинадиган ҳужжатларни расмийлаштириш тартибини таниш билишларидан сўраб суриштириб уларга тартибини тушунтириб берганлигини, лекин у таниши Ш.Қ.дан олган 15 минг 500 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини ўзини



эхтиёжи учун ишлатиб юборганлигини, лекин ушбу пул маблағларидан уларни Корея давлатига кетишлиги учун харажатларни танишларига бераман деб уларни ишонтириш учун айтганлигини халос, лекин Корея давлатига кетиш учун деб бирон бир танишига ва бошқа мансабдор шахсларга ҳужжатларни расмийлаштириш эвазига деб пул маблағлари ёки бошқа моддий қимматликлар бермаганлигини, у Ш.Қ.ни ўғли О.Ч. ва уни қариндошларини Корея давлатига кетиши учун расмийлаштирилиши лозим бўлган ҳужжатлари расмийлаштирилиб берилганидан сўнг Сурхондарё вилояти Денов туманида жойлашган Корес тили ўқитишга мўлжалланган ўқув марказига бориб 4 ой давомида ўқиб белгиланган тартибда Корес тилини ўқиб ўрганиб белгиланган тартибда ҳужжатларни расмийлаштирганлигини, ушбу ўқув марказида ўқиб таҳсил олган фуқаролар белгиланган тартибда Корея давлатига кетишлик учун имтиҳонларни топшириб ушбу имтиҳондан ўтолмаган шахслар ўзларига тегишли ҳужжатларни ўзларига қайтариб олганлигини, уни эшитиши бўйича ушбу топширилган ҳужжатлар электрон тарзда топширилиб имтиҳондан ўта олмаганидан сўнг автоматик тарзда бекор бўлиб кетганлигини, у ҳам Ш.Қ.ни ўғли ва икки нафар унга нотаниш бўлган қариндошлари ушбу имтиҳондан ўта олмаганлигини эшитганидан сўнг унга Ш.Қ. ўғли О.Ч. ва икки нафар қариндошларини Корея давлатига кетиши учун унга берган 15 минг 500 АҚШ доллари миқдорида берган пулларини қайтариб беришини айтганидан сўнг, Ш.Қ.га ўзига қолган 7 минг 500 АҚШ доллари миқдоридаги пулларини қайтариб берганлигини, қолган 8 минг АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини моддий имконияти бўлмагани сабабли қайтариб беролмаганини, Сурхондарё вилоятида яшовчи ўртоқлари Б. Ахмад ва Х. Шарофиддинлардан у фақат Корея давлатига фуқароларни кетиши учун расмийлаштирилаётган ҳужжатлар расмийлаштириш тартибини телефон орқали сўраб турганлигини, Ш.Х.ни фақат ушбу Денов марказида жойлашган Корес тилига ўқитишга мўлжалланган ўқув марказида ишлашлигини билишлигини, лекин ушбу ўқув марказида нима иш билан шуғулланишлигидан уни хабари йўқлигини, у Ш.Х. ва А.Б.ларга бирон бир кишини Корея давлатига жўнатиб бериш учун ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириб бериш эвазига уларга ҳеч қандай пул ёки бошқа моддий қимматликлар бермаганлигини ва бирон бир кишини Корея давлатига кетишлиги учун ҳужжатларни расмийлаштириб беришлигини илтимос қилмаганлигини, 2017 йил 31 январь куни яшаш уйида ўтирган вақтида уни олдига Х. А. исмли шахс келиб, унга уни Корея давлатига ишлашга кетишлигини ва ушбу Корея давлатига кетишлиги учун ҳужжатлар расмийлаштиришда ёрдам беришини илтимос қилганлигини, кейин А.Х.га “агарда сени кетишга пулинг бўлса Корея давлатига танишларим орқали жўнатаман ва кетишинг учун харажатларга 6 минг АҚШ доллари берсанг сени Корея давлатига жўнатаман” деб айтганлигини, шундан сўнг А.Х. уни таклифига рози бўлиб, унга 6 минг АҚШ доллари миқдорида пул маблағлари беришга рози бўлганлигини ва иккаласи ўзаро оғзаки келишганлигини, А.Х. уни яшаш уйига бир ўзини қариндоши бўлган Жахонгиров Хасан исмли қариндоши билан келиб, Корея давлатига кетиш учун қилинадиган харажатларга деб уни яшаш уйида 6 минг АҚШ доллари миқдорида пул маблағларини унга бериб кетганлигини, шундан сўнг, А.Х.ни шахсига оид ҳужжатларини нусхасини унга бериб



кетганлигини, у ушбу хужжатларни олиб қолиб Корея давлатига кетиш учун нима хужжатлар қайси тартибда расмийлаштирилиши лозимлиги ҳақида танишларидан сўраб суриштириб, А.Х.га телефоон орқали ва айрим вақтлари уни яшаш уйига келган вақтлари оғзаки тушунтиргани ва у тушунтирган ҳолатда хужжатларни расмийлаштирганлигини, А.Х. ҳам 2018 йил март ойларида Сурхондарё вилояти Денов туманида жойлашган Корес тили ўқитишга мўлжалланган ўқув марказига ўқишга бориб ўқиб таҳсил олиб Корея давлатига кетиш учун ўтказиладиган имтиҳонга тайёрланганлигини, А.Х. ҳам Корея давлатига кетиш учун бўладиган имтиҳондан белгиланган баллни тўплай олмасдан имтиҳондан ўта олмаганлигини билганидан сўнг унга Корея давлатига кетиш учун берган 6 минг АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини қайтариб беришлигини айтганидан сўнг А.Х.га 2 минг АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини қайтариб берганлигини, таниши Бобокалонов Ахмад исмли ўртоғига ҳозирги кунда уни иқтисодий аҳволи оғирлигини ва уни пулга эҳтиёжи борлигини айтиб унга 2 минг АҚШ доллари миқдорида пул маблағларини қарзга бериб туришлигини илтимос қилганлигини, шунда ўртоғи А.Б. унга қарзга пул маблағлари бериб туришга рози бўлганлигини ва ушбу пул маблағларини А.Х.га беришлигини оғзаки айтганлигини, шундан сўнг у ўртоғи А.Б. билан таниши А.Х. иккаласини бир бирларига телефон орқали гаплаштирганлигини, шундан сўнг у А.Х.дан Корея давлатига жўнатаман деб олган 6 минг АҚШ долларидан А.Х.га 2 минг АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини таниш ўртоғи А.Б.дан олганлигини, ушбу Ш.Қ.дан олган 15 минг 500 АҚШ долларини ва А.Х.дан олган 8 минг АҚШ долларини ўзини эҳтиёжлари учун ишлатганини, у таниши А.Қ.дан олган 15 минг 500 АҚШ долларидан 7 минг 500 АҚШ долларини қайтариб берганлигини, қолган 8 минг АҚШ долларини ҳам суд жараёнида яқин қариндошлари А.Қ.га тўлиқ қайтариб беришганини, А.Х.дан олган 6 минг АҚШ долларидан 2 минг АҚШ долларини қайтариб берганлигини, қолган 4 минг АҚШ долларини ҳам яқин қариндошлари суд жараёнида тўлиқ қайтариб берганини, ҳозирги кунда жабрланувчиларга етказилган зарарлар тўлиқ тўланганлигини, қилган ишидан пушаймонлигини баён қилиб, суддан қонуний енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи Ш.Қ. судда, Ш.Э. билан ёшликдан бир маҳаллада яшаб катта бўлгани сабабли уни яхши танишини, уни 2015 йил март ойини ўрталарида Корея давлатига ишга одам жўнатаётганлигини эшитиб, Ш.Э.ни кўчада кўриб қолиб салом алик қилиб гаплашганида унга Ш.Э. “ҳа ака Корея давлатига ишга одам жўнатаяпман, пулини берса жўнатаман” деб айтганлигини, шундан сўнг у ўғли Ч. Олмосжон Ш.ўғли, жияни яъни опаси Қ.а Мавжудани ўғли Уралов Ш. Б. ўғли, Чироқчи тумани марказида яшовчи тоғаси Бозоров Мейлини невараси Пирманов Анварлар Корея давлатига ишга кетмоқчилигини айтганлигини, шунда таниши Э. Ш.унга “бўлди ака пулини берса жўнатиб юбораман”- деб айтганлигини, шундан сўнг 2015 йил ноябрь ойида Э. Шухратни яшаш уйига уни ўғли қариндошларини Корея давлатига жўнатиш учун кетадиган харажатларига деб, Ш.Э.ни яшаш уйига бориб унга 4000 АҚШ доллари миқдорида пул берганини, у таниши Ш.Э.га ушбу 4000 минг АҚШ доллари берганлигини опаси М.Қ.ани турмуш ўртоғи Б. Б. билан бирга олиб бориб берганлигини, шундан сўнг 2016 йилда март ойига қадар берган



пуллари ва ўғли билан қариндошларини Корея давлатига кетиши масаласи нима бўлганлигини сўраб, Ш.Э. билан телефонлашиб турганлигини, Э. Ш.унга қўнғироқ қилиб, “уйимга келиб кетинг” деб айтганлигини, шундан сўнг Э. Шухратнинг Чироқчи тумани Чироқчи кўчасида жойлашган яшаш уйига борганини, Э. Ш.унга “Ака берган пулларингиз камлик қиляпти, яна 5000 АҚШ доллари миқдорида пул беришини” айтганини, шундан сўнг у Э. Шухратни яшаш уйига бир ўзи 2016 йилнинг март ойида бориб 5000 АҚШ доллари миқдорида пулларни берганини, шундан сўнг орадан тахминан икки ойлар ўтганидан сўнг Эргашов Ш.билан яшаш уйига бориб учрашганида унга таниши Ш.Э. “ака бу йил ўхшамади, ишни 2017 йилга қиламиз ва уларни Корея давлатига жўнатамиз” деб айтганини, у 2017 йил май ойи ўрталарида Эргашов Шухратнинг яшаш уйига ушбу уни ўғли ва қариндошларини ишга кетиш масаласи нима бўлганлигини билиш мақсадида борганида “ака яна ҳужжатларни расмийлаштиришга ва бошқа харажатларга 2000 АҚШ доллари пул беришингиз керак”-деб айтганини, у Эргашов Шухратни таклифига рози бўлиб, яшаш уйида бўлган 2000 АҚШ доллари миқдорида пул маблағларини бир ўзи таниши Ш.Э.ни яшаш уйига олиб бориб берганини, Ш.Э. 2017 йил март ойи охирларида Э. Шухратнинг яшаш уйига борган вақтида таниши Ш.Э. унга яна “ака берган пулларингиз харажатларга етмаяпти, яна қўшимча 5000 АҚШ доллари пул беришингиз керак” деб айтганлигини, сўнг яна Ш.Э.ни гапига ишониб нима бўлса ҳам ўғли билан қариндошлари Корея давлатига кетиш масаласи ҳал бўлиб қолсин деб яшаш уйида бўлган 4500 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини Ш.Э.ни яшаш уйига бир ўзи 4 минг 500 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини олиб бориб берганлигини, ундан олган пулларни олиб бўлганидан сўнг Ш.Э. 2017 йил ҳисобида у айтган фуқароларни жўната олмаслигини, 2018 йил мобайнида айтган одамларини Корея давлатига ишлашга жўнатишини айтганлигини, 2018 йил март ойларини охирларида таниши Ш.Э.ни яшаш уйига бориб Ш.Э. билан учрашганида, таниши Ш.Э.ни яшаш уйига бориб 2-3 йилдан буён кутиб ва сўравериб чарчаганлигини айтиб унга ўзи берган 15 минг 500 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини қайтариб бериши кераклигини айтганида, Ш.Э. яқин кунларда пулларни қайтариб беришини айтиб уни яшаш уйдан жўнатиб юборганлигини, ушбу таниши Ш.Э.га берган 15 минг 500 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини таниш билишларидан ва қариндошларидан поччаси Б. Б.ни ўғлини Корея давлатига кетиш ҳаракатларига ва қариндоши П.Анварлар берганлигини, ўзида бўлган пул маблағларни қолганини таниш билишларидан ўзи ишлаб йиғиб қуйган пулларидан берганлигини, Ш.Э.га ўғли Ч. Олмосжонни Корея давлатига жўнатиш учун 5 минг АҚШ доллари, жияни Уралов Шахбозни жўнатиш учун 4 минг АҚШ долларини поччаси Қ. Б.дан олганлигини, тоғасини невараси П. А.дан 2 минг 500 АҚШ доллари ўзини бошқа ҳужжатларини расмийлаштириб беришга ўзини ҳам Корея давлатига ишлашга кетиши учун ҳам деб 4 минг 500 АҚШ доллари миқдорида беришга келишиб, ундан жами 15 минг 500 АҚШ долларини 2015 йил март ойидан 2017 йил ноябрь ойида қадар таниши Ш.Э. олганлигини, шундан сўнг Ш.Э.га ундан олган 15 минг 500 АҚШ доллари миқдорида олган пулларини қайтариб беришини сўраб борганида унга жами олган 15 минг 500 АҚШ долларидан 7 минг 500 АҚШ доллари пулларини қайтариб бергани,



қолган 8 минг АҚШ долларини қайтармасдан келганини, ҳозирда ушбу 8 минг АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини ҳам судланувчи Ш.Э.нинг яқин қариндошлари тўлиқ қайтариб берганини, шу сабабли судланувчи Ш.Э.ни кечирганини, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, суддан унга қонуний енгиллик қилишни сўрашлигини баён қилди.

Жабрланувчининг вакили Ф.А. судда, ушбу жиноят иши бўйича жабрланувчи А.Х.ни онаси бўлишини, ўғли А.Х. ҳозирда соғлиғи яхши эмаслиги сабабли Тошкент шаҳрида даволанаётганини, судланувчи Ш.Э. ўғли А.Х.ни Корея давлатига ишга юборишини айтиб, жами 6000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларини олганини, судланувчи Ш.Э. ўғли А.Х.ни Корея давлатига ишга жўната олмаганидан сўнг улардан олган 2000 АҚШ доллари пулларини қайтариб берганини, қолган 4000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларини қайтармасдан келганини, ҳозирги кунда ушбу 4000 АҚШ доллари пулларини ҳам судланувчи Ш.Э.нинг яқин қариндошлари суд жараёнида тўлиқ қайтариб берганини, шу сабабли у ва ўғли А.Х.лар судланувчи Ш.Э.ни кечиришганини, унга нисбатан даъволари йўқлигини, суддан унга қонуний енгиллик қилишни сўрашлигини баён қилди.

Судланувчи Ш.Э.нинг содир қилган жинояти, юқоридаги кўрсатувлардан ташқари жиноят ишидаги:

Фуқаро А.Х. ва Ш.Қ.ларнинг аризалари (и/в 2-3);

Дастлабки тушунтириш хатлари, маълумотномалар, тилхатлар ҳамда бошқа далиллар билан исботланган.

Суд иш ҳолатларини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан Ш.Э.нинг содир қилган жинояти Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди ҳамда унга жазо тайинлашда, айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, жинояти оқибатида етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлигини ва жабрланувчиларнинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, ЖКнинг 168-моддаси 5-қисмида “Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди” деб кўрсатилган қонун талабидан келиб чиқиб, унга жинойий ҳаракати квалификация қилинган модда санкциясида назарда тутилган жазолардан ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни, ушбу тайинланган жазодан унинг эҳтиёт чораси сифатида қамокда ўтирган кунларини ЖКнинг 62-моддасига асосан чегириб, қолган жазо муддатини ижрога қаратишни, эҳтиёт чорасини бекор қилиб, уни дарҳол қамокдан озод қилишни лозим топди.

Шунингдек суд, жиноят оқибатида етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини ҳамда жабрланувчи Ш.Қ. ва А.Х. ҳамда унинг вакили Ф.Аннакуловларнинг бу борада даъвоси йўқлигини инобатга олишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468 ва 471-473 моддаларига амал қилиб, суд

**ҲУКМ ҚИЛАДИ :**



Э. Ш. У. (E. SH. U.) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбли деб топилсин ва унга шу модда билан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Э. Ш. У.нинг эҳтиёт чораси сифатида 2019 йил 2 декабрдан 2020 йил 18 мартга қадар 3 (уч) ой 16 (ўн олти) кун қамоқда ўтирган кунлари тайинланган жазодан ЖКнинг 62-моддасига асосан чегирилиб, қатъий ўташ учун 2 (икки) йил 1 (бир) ой 12 (ўн икки) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазо, жазонинг ижро этилишини назорат қилувчи орган белгилаб берган жойда ўтатирилсин ва жазо муддати маҳкум ишга жойлашиб, ҳақиқатда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазонинг ижро этилишини назорат қилиш Чироқчи туман ИИО ФМБ зиммасига юклатилсин.

Э. Ш. У.га нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси бекор қилиниб, у дарҳол қамоқдан озод қилинсин.

Жиноят оқибатида етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлиги ҳамда жабрланувчи Ш.Қ. ва А.Х. ҳамда унинг вакили Ф.А.ларнинг бу борада даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози томонларга ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчиларга ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка муддат ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судига апелляция тартибида, апелляция шикоят берилмаган тақдирда ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят беришга, прокурор протест келтиришга ҳақли эканлиги тушунтирилсин.

**Раислик қилувчи:**

**Ў.Расулов**

